



## МОЛИЯ-САНОАТ ГУРУҲЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

**Абдувалиев Санжар Абдурахманович**

*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси тадқиқотчиси,  
Тошкент, Ўзбекистон, [s.abduvaliev@gmail.com](mailto:s.abduvaliev@gmail.com)*

### **Аннотация**

мақолада тижорат банклари ва саноат корхоналарининг ўзаро интеграциялашуви натижасида синергетик самарага эришишнинг хусусиятлари ва унинг кўринишлари, тижорат банклари иштирокида молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш йўллари ҳамда унинг асосий жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар асосида мамлакатимизда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг мақсадли йўналишлари келтирилган ҳамда тегишли илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ташқи савдо, синергетик самара, молия ва саноат капитали интеграцияси, трансакцион харажатлар, диверсификация, акция, молиявий рисклар.

### **Аннотация**

В статье описаны особенности и проявления достижений синергетического эффекта в результате взаимной интеграции коммерческих банков и промышленных предприятий, способы создания финансово-промышленных групп с участием коммерческих банков и их основные аспекты. Также на основе исследования представлены целевые направления формирования финансово-промышленных групп в стране, разработаны соответствующие научные выводы и рекомендации.

**Ключевые слова:** внешняя торговля, синергетический эффект, интеграция финансового и промышленного капитала, транзакционные издержки, диверсификация, акция, финансовые риски.

### **Abstract**

The article describes the features and manifestations of the achievements of the synergistic effect as a result of the mutual integration of commercial banks and industrial enterprises, ways to create financial and industrial groups with the participation of commercial banks and their main aspects. Also, on the basis of the study, target directions for the formation of financial and industrial groups in the country are presented, and relevant scientific conclusions and recommendations are developed.

**Key words:** foreign trade, synergetic effect, integration of financial and industrial capital, transaction costs, diversification, share, financial risks.

### **Кириш**

Халқаро тажрибалар кўрсатишича, иқтисодиётда молиявий институтлар ва саноат корхоналарининг ўзаро интеграциялашган ҳолда фаолият юритиши миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш салоҳиятининг ортиши ҳамда саноатда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади. Бу ҳолат, жаҳон иқтисодиётидаги кескин рақобатлашув шароитида иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантириш жараёнида реал сектор корхоналарининг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини

таъминлаш орқали улар фаолиятида янги лойиҳаларни жорий этиш ва шу асосда рақобатбардошликни оширишда муҳим роль ўйнайди. Чунки, жаҳон иқтисодиётида халқаро рақобатлашувнинг кучайиши саноат тармоғидаги корхоналардан юқори даражадаги рақобат шароитида фаолият юритишда доимий равишда фаолиятни такомиллаштириб боришни, ишлаб чиқариш жараёнига янги замонавий усул ва инновацияларни кенг жорий этишни талаб этади. Шу сабабли, молиявий институтлар ва саноат корхоналарининг ўзаро интеграциялашуви асосида молия-саноат гуруҳларини шакллантириш орқали янги ишлаб чиқаришларни жорий этиш борасида юқори натижаларга эришилмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш борасида белгиланган муҳим йўналишларни инобатга олган ҳолда қайд этиш лозимки, иқтисодиёт тармоқларида фаолият олиб боришнинг янги шакллари жорий этиш орқали иқтисодий ўсишни барқарорлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини молиялаштиришда, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ишларини олиб боришда ва уларнинг экспорт салоҳиятини оширишда тижорат банклари асосий роль ўйнайди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича қатор таъсирчан чоралар амалга оширилди. Шунингдек, иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини ва миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш, инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш ҳамда экспортчи корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини фаол давом эттиришга қаратилган ислоҳотларни изчил давом эттириш мақсадида 2022 йил 22 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони қабул қилинди [1]. Ушбу фармонда белгиланган устувор вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш миллий иқтисодиётда саноат тармоқларининг барқарор ривожланишини таъминлаш, саноат корхоналарида истиқболли инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда тижорат банкларининг ролини янада кучайтиришда ҳамда улар ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили**

Тижорат банклари иштирокида молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг асосий шарт-шароитлари, молия-саноат гуруҳлари доирасида банклар томонидан молиявий муносабатларни амалга оширишнинг муҳим жиҳатлари, гуруҳ доирасида банклар томонидан амалга ошириладиган функция ва вазифалар кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан махсус илмий тадқиқот сифатида ўрганилган бўлиб мазкур тадқиқотлар муҳим илмий ёндошувларга эгадир. И.Ю.Беляева, М.А. Эскиндаровлар молия-саноат гуруҳларини шакллантириш жараёнида тижорат банклари фаолиятининг асосий хусусиятлари ва улар томонидан молиявий муносабатларни амалга ошириш механизми бўйича тадқиқотлар олиб боришган [2].

Т.И.Минина ва А.С.Кудаковлар молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва ривожлантиришда банкларнинг роли, гуруҳ доирасида банкларнинг фаолияти ва

уларнинг саноат корхоналари билан ўзаро молиявий муносабатларини мувофиқлаштириш жараёни каби масалаларни тадқиқ этишган. [3;4]

И.А.Зарипов молия-саноат гуруҳларини ташкил этишда тижорат банклари фаолиятининг муҳим жиҳатлари, гуруҳ доирасида молиявий менежментни амалга ошириш жараёнида банкларнинг асосий вазифалари ҳамда истиқболли инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда банкларнинг роли оширишга бағишланган илмий тадқиқотларни олиб борган [5].

Danes Brzica, B.A.Цветков ва B.B.Яронтовскийлар молия-саноат гуруҳига хизмат кўрсатувчи банкнинг вазифалари, молия-саноат гуруҳларининг барқарорлигини оширишда гуруҳ доирасида банкларнинг инвестиция фаолиятини ташкил этиш механизми ҳамда банклар томонидан молия-саноат гуруҳларида молиявий ресурсларни самарали бошқариш масалаларини тадқиқ қилишган [6; 7; 8].

M.Aoki ва A.P.Кохнолар молия-саноат гуруҳларида банк томонидан корхоналар фаолиятини мониторинг қилиш, тижорат банклари ва саноат корхоналари интеграциялашуви асосида молия-саноат гуруҳларини ташкил этишнинг синергетик самараси борасида тадқиқотлар олиб борган [9; 10].

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Ж.Х.Атаниязов, Ф.Мирзаев ва О.Сабировлар тижорат банклари иштирокида молия-саноат гуруҳларини шакллантириш зарурий молиявий-иқтисодий шарт-шароитлари, банклари иштирокида молия-саноат гуруҳлари фаолиятини шакллантиришнинг асосий йўллари, молия-саноат гуруҳларини шакллантиришда риоя этилиши лозим бўлган тартиб-қоидалар хусусида тадқиқотлар олиб борган [11; 12].

Амалий тажрибалардан маълумки, молия-саноат гуруҳлари замонавий интеграциялашган корпоратив тузилмаларнинг бир шакли бўлиб, улар фаолиятини ташкил этиш орқали миллий иқтисодиётда саноат тармоқларини ривожлантириш ва корхоналар рақобатбардошлигини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш салоҳиятини ортишига эришилади. Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш орқали тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ҳамда инвестицион фаоллигини оширишга қулай шарт-шароит яратилади. Шу боисдан, тижорат банклари иштирокида молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш истиқболларининг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

#### **Тадқиқот методологияси**

Миллий иқтисодиёт барқарорлигини ошириш шароитида тижорат банклари ва саноат корхоналари ўртасидаги интеграцион муносабатларни кучайтириш муҳим ўрин тутди. Бу борада жаҳон мамлакатларининг тижорат банклари ва саноат корхоналари интеграциясини таъминлаш орқали молия-саноат гуруҳларини шакллантириш борасидаги илғор тажрибаларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади. Шу боисдан илмий мақолада тижорат банклари иштирокида молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг асосий хусусиятларини тадқиқ этиш, тадқиқот натижаларини тизимлаштириш асосида илмий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишда индукция ва дедукция, тизимли ва қиёсий таҳлил, график тасвирлаш ва иқтисодий-статистик усуллардан кенг фойдаланилди.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган ислохотларни амалга ошириш шароитида молиявий институтлар ва саноат корхона-

ларининг ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш асосида рақобатбардошлик даражасини оширишга қаратилган тенденциялар юзага келади. Бу ҳолат, молиявий институтлар ва саноат корхоналарининг капитал интеграциясини таъминлаш асосида йирик ташкилий-хўжалик тузилмаларини ташкил қилишни билдиради.

Назарий ва амалий жиҳатдан маълумки, молия-саноат гуруҳлари молия, саноат ва савдо капитали бирлашининг истиқболли шакли сифатида намоён бўлади. Молия-саноат гуруҳлари фаолиятида иштирокчиларнинг ҳар бири ўзининг юридик мустақиллиги сақланган ҳолда молиявий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ўзаро бирлаштириш асосида фаолият олиб боради.

Молия-саноат гуруҳида фаолият юритишнинг тижорат банклари учун муҳим жиҳати гуруҳ доирасида саноат, савдо ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш тузилмалари билан ўзаро интеграциялашган ҳолда фаолият юритиш натижасида рақобатбардошлик даражасининг ортиши билан биргаликда юқори синергетик самарага, шунингдек, гуруҳ таркибига иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларидан жалб этилган иштирокчилар манфаатларининг ўзаро уйғунлиги таъминланиши оқибатида банк фаолиятининг диверсификациялашув даражасининг ошишига эришилади.


Иқтисодиётда молия ва саноат тузилмалари интеграциялашувини кучайтиришдан асосий мақсад ишлаб чиқариш-молиявий муносабатларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш орқали фаолият самарадорлигини ошириш, шунинг юқори синергетик самарага эришишни таъминлаш ҳисобланади. [10] Ушбу мақсадларга эришиш молия ва саноат капитали интеграциясини кучайтириш орқали молиявий муносабатларни ўзаро мувофиқлаштириш ва истиқболли инвестицион лойиҳаларни самарали ташкил этиш ҳамда рақобатбардошлик даражаси юқори бўлган янги интеграциялашган тузилмаларни шакллантириш натижасида таъминланади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро интеграциялашув жараёнларининг кучайиши молиявий глобаллашув шароитида жаҳон иқтисодиётидаги замонавий тенденциялардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Шунга мос равишда интеграциялашув жараёнларининг ижобий жиҳати сифатида юқори синергетик самарага эришиш имконияти юзага келади. Маълумки, синергетик самара моҳияти жиҳатидан бир нечта турли хил омилларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида юзага келувчи ҳодиса сифатида ифодаланади. Бироқ, мазкур омилларнинг алоҳида ҳаракати ёки фаолияти ушбу ҳодисани юзага келтирмайди. Иқтисодиётда мазкур жараён хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро интеграциялашуви орқали биргаликдаги фаолияти сифатида юзага келади.

Миллий иқтисодиётда тижорат банклари ва саноат корхоналарининг ўзаро интеграциялашган ҳолдаги фаолияти натижасида юқори синергетик самарага эришиш имкони яратилади. Мазкур синергетик самара истиқболли лойиҳаларни жорий этиш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши, жорий харажатларнинг иқтисод қилиниши, маҳсулотлар сифатининг яхшиланиши, уни истеъмолчиларга етказиш муддатининг қисқариши, пул оқимларини самарали бошқариш ҳамда молиявий рискларни олдини олиш орқали инвестицион фаолликнинг ортиши натижасида юзага келади. [14]

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ва ишлаб чиқаришга кетадиган жорий харажатларнинг иқтисод қилиниши кабилар синергетик самаранин асосий иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобланади. Шу билан биргаликда синергетик самара

натижасида ялпи даромад, фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг ошишига эришилади.



**1-расм. Интеграциялашган тузилмаларни шакллантириш орқали синергетик самарага эришишнинг асосий сабаблари<sup>1</sup>**

Иқтисодиётда хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро интеграциялашуви асосида молия-саноат тузилмаларини шакллантиришнинг асосий сабаблари ишлаб чиқариш жараённинг такомиллашуви, солиқ тўловларининг камайиши, тизимли маркетинг тадқиқотлари ва бошқарув самарадорлиги кабиларда намоён бўлади.

Молия-саноат гуруҳларини шакллантиришдаги синергетик самара хўжалик юритувчи субъектлар бирлашуви орқали намоён бўлади. Мазкур жараёнда хўжалик юритувчи субъектларининг интеграциялашган тузилма доирасида биргаликда фаолият юритиши натижасида юзага келадиган синергетик самара алоҳида фаолият юритишдан олинadиган самарага нисбатан юқори бўлади. Ушбу ҳолатни қуйидаги тенгсизлик ёрдамида ифодалаш мумкин:

$$C_{A1} + C_{A2} + C_{Ai} + \dots + C_{An} < C_n,$$

Бунда  $C_{Ai}$  –  $A_i$  корхонанинг мустақил фаолият юритиши самараси,  $i = \overline{1, n}$ ;

$C_n$  – интеграциялашган тузилмада корхоналарнинг биргаликда фаолият юритишидан самара.

Интеграциялашган молия-саноат гуруҳларининг синергетик самараси  $CC^q$  қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$CC^q = C_n - (C_{A2} + C_{Ai} + \dots + C_{An}), \quad CC^q > 0$$


Молия-саноат гуруҳлари фаолияти натижасида синергетик самара қуйидагилар орқали ифодаланади:

– хом-ашё ресурсларини етиштириш босқичидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда уни истеъмолчиларга етказишгача бўлган ягона технологик занжирнинг юзага келиши;

<sup>1</sup> Тадқиқотчи томонидан тузилган.

- ўзаро интеграциялашув асосида фаолият юритилиши натижасида иштирокчиларнинг молиявий ва ишлаб чиқариш салоҳиятининг ортиши;
- трансакцион ва бошқа турдаги харажатларнинг иқтисод қилиниши;
- интеграциялашган тузилма доирасида фаолият юритиш ҳисобига молиявий ва бошқа турдаги рискларнинг диверсификациялашуви ва камайиши;
- ягона молия-кредит ва солиқ сиёсатини юритиш имкониятининг юзага келиши;
- интеграциялашган тузилма қийматининг ўсиши ҳамда тузилма доирасида иштирокчиларнинг биргаликда фаолият юритишдан олинadиган самаранинг уларнинг алоҳида фаолият юритишида юзага келадиган самара йиғиндисидан юқорилиги.

Умумий ҳолатда синергия самараси кўринишларини қуйидаги расмда ифодаланган иккита гуруҳга ажратиш мумкин.



**2-расм. Молия-саноат гуруҳларида синергия самарасининг юзага келиши<sup>2</sup>**

Молия-саноат гуруҳлари фаолиятида операцион синергия қуйидагилар асосида намоён бўлади:

- фаолиятдан келадиган тушум ҳажмининг ортиши;
- харажатларнинг иқтисод қилиниши ҳисобидан сотиш ҳажми ва рентабеллигининг ортиши;
- фаолиятнинг ўзаро интеграциялашуви ҳисобига солиқ тўловларининг оптималлашиши ва натижада тўловларнинг муайян даражада камайиши;
- истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга узоқ муддатли инвестицияларни жалб этиш имкониятининг ортиши.

Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш орқали молиявий синергия қуйидагиларда ифодаланади:


- инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун зарур бўлган молиявий маблағлар (кредит, қарз маблағлари) жалб этиш билан боғлиқ харажатларнинг камайиши;
- молия-саноат гуруҳи иштирокчилари фаолиятини молиялаштириш манбалари таркибининг диверсификациялашуви;
- гуруҳ иштирокчилари фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган молиявий рискларни олдини олиш ва самарали бошқариш имкониятининг ортиши;
- мавжуд капитал ҳажмини ошириш манбалари таркибининг кенгайиши.

<sup>2</sup> Тадқиқотчи томонидан тузилган.



Синергиянинг юқорида келтирилган асосий иккита кўриниши мажмуасига интеграциялашган тузилмаларни шакллантириш орқали эришилади, бунинг натижасида корпоратив тузилманинг умумий капиталлашув даражасини оширишга имкон яратилади.

Мамлакатимизда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришдаги муҳим жиҳат уларнинг миллий иқтисодиёт асосий тармоқларидаги йирик саноат корхоналари, етакчи тижорат банклари ва суғурта компанияларини ўзига жалб этган универсал кўп тармоқли мажмуалар сифатида ифодаланиши билан хусусиятланиши лозим. Шу орқали гуруҳ иштирокчиларига йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, мавжуд молиявий ресурсларни иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларига жойлаштиришда қулай имкониятлар яратилади. [15]



**3-расм. Банklar иштирокидаги молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг ташкилий тузилмаси [2]**

Хорижий тажрибалардан маълумки, тижорат банклари иштирокида молия-саноат гуруҳларини шакллантиришдаги асосий масалалардан бири сифатида тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва инвестициявий фаоллигини ошириш борасидаги таъсирчан чора-тадбирларнинг самарали жорий этилиши билан ифодаланади. Молия-саноат гуруҳларида тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги орқали саноат корхоналарида истиқболли лойиҳаларни жорий этиш, ишлаб чиқариш фаолиятини модернизациялаш, фаолият кўламини

диверсификациялаш, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш каби муҳим масалаларни молиявий ресурслар билан таъминлашга эришилади.

Жаҳонда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва фаолият юритиш амалиётининг амалий жиҳатларини тадқиқ қилиш орқали улар фаолиятини ташкил этишнинг ташкилий тузилмасини ифодалаш мақсадга мувофиқ. Мазкур ҳолатда молия-саноат гуруҳининг асосий (марказий) компанияси гуруҳ доирасидаги барча молиявий ва ишлаб чиқариш муносабатларини мувофиқлаштириб боради.

Тижорат банки гуруҳ доирасида савдо, суғурта, инвестиция ва лизинг компаниялари билан биргаликда гуруҳнинг умумий фаолияти бўйича зарурий чоратадбирларни амалга оширади, шунингдек ишлаб чиқариш корхоналаридаги истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш, пул оқимларини назорат қилиш ҳамда молиявий рискларни бошқаришга қаратилган фаолиятни амалга оширади.

Мамлакатимизда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг мақсадли йўналишлари сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

– иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишларида молиявий ресурсларни жамлаш;

– саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятида янги лойиҳаларни жорий этиш орқали уларнинг экспорт салоҳиятини ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

– саноат тармоқларида янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва унга замонавий технологияларни жалб қилиш;

– ўзгарувчан бозор конъюнктураси ва рақобатлашув шароитларида саноат корхоналари рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган фаолиятни самарали амалга ошириш учун қулай молиявий-инвестицион муҳитни яратилиши.

Молия-саноат гуруҳларида фаолият юритиш орқали саноат корхоналарида зарурий молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжни таъминлаш орқали ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга эришилса, тижорат банклари фаолиятида ҳам бир қатор қулай шарт-шароитлар юзага келади. Булар жумласига, инвестицион фаолликнинг ошиши, фаолиятнинг диверсификациялашуви, молиявий рискларни самарали бошқариш имконияти ва самарадорлиги юқори бўлган лойиҳаларни амалга ошириш кабиларни киритиш мумкин. Шунингдек, банкларнинг молия-саноат гуруҳи доирасидаги саноат, савдо ва суғурта тузилмалари билан ўзаро интеграциялашган ҳолдаги фаолияти юқори самарадорликка эришишга имкон беради.[13] Бу ҳолатда, иқтисодиётдаги мавжуд ҳолат ва истиқболдаги жараёнларни прогнозлаштириш ҳисобига банк рақобатбардошлигини ошириш; гуруҳ иштирокчиларининг ишлаб чиқариш ва молиявий салоҳиятининг бирлашиши орқали рақобатбардошликни ошириш; самарадорлиги юқори бўлган инвестицион лойиҳалар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий ресурсларни йўналтириш.

Молия-саноат гуруҳида иштирок этишнинг банклар фаолияти учун муҳим жиҳати улар фаолиятини диверсификациялаш ва кенгайтириш, янги даромад манбаларига эга бўлиш имкониятининг юзага келиши орқали намоён бўлади. Шу билан биргаликда, тижорат банклари фаолиятида долзарб муаммолардан бўлган ажратилган кредитларни ўз вақтида қайтиши билан боғлиқ ҳолатни молия-саноат гуруҳларида бартараф этишга қулай шароит яратилади. Кредитларни қайтарилиши билан боғлиқ рискларни олдини олишда қуйидаги ҳолатлар муҳим роль ўйнайди:



– тижорат банкларининг томонидан молия-саноат гуруҳи доирасида молиявий ресурсларни самарали бошқариш борасидаги фаолиятни амалга оширилиши;

– пул оқимлари устидан доимий назоратнинг ўрнатилиши ҳисобига молиявий ресурслардан самарали фойдаланилиши;

– амалдаги инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлиги банклар томонидан мониторинг ва таҳлил қилиб борилиши;

– саноат корхоналари акцияларига эгалик қилиш туфайли молиявий менежментни амалга ошириш тизимининг такомиллашуви;

– ажратилган кредитлардан самарали ва мақсадли фойдаланишда таъсирчан молиявий назорат қилиш имкониятининг юзага келиши.

Юқоридаги ҳолатлар молия-саноат гуруҳлари доирасида тижорат банклари учун молиявий ресурсларни тегишли лойиҳаларга йўналтириш, жумладан кредитлар ажратиш орқали самарадорлиги юқори бўлган лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек гуруҳ доирасида молиявий ресурслар ҳаракати устидан назорат ўрнатиш орқали уларнинг фойдалилик даражасини оширишга имкон яратади. Шунингдек, молия-саноат гуруҳларида фаолият юритиш орқали корхоналар фаолиятида ҳам қатор ижобий натижаларга эришишга шароит яратилади. Булар жумласига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

– янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳамда фаолиятда замонавий технологияларни жорий этиш учун молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжнинг қондирилиши;

– гуруҳ доирасида унинг иштирокчилари фаолиятининг ўзаро мувофиқлаштирилиши ҳамда янги технологияларни жорий этиш орқали рақобатбардошликнинг ортиши;

– ишлаб чиқарилган маҳсулотларни гуруҳга кирувчи савдо, хизмат кўрсатиш ва логистика компаниялари орқали тақсимлашнинг самарали тизимининг юзага келиши;

– муддати ўтган тўловлар юзага келишининг олдини олиш ва ўзаро ҳисоб-китоблар ўтказилиши учун қулай шарт-шароитнинг яратилиши;

– лойиҳаларнинг имтиёзли кредит ресурслари билан таъминлаш бўйича қулай шароит яратилиши;

– маҳсулот ва хизматлар кўрсатишда бозор кўламини кенгайтириш ҳамда янги бозорларга кириб бориш юзасидан ягона маркетинг тармоғининг фаолият олиб бориши;

– гуруҳ таркибига кирувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни такомиллашган савдо тизими орқали сотиш ва ягона таъминот хизматини ташкил этиш ҳисобидан харажатларни муайян даражада камайтириш имконияти.

Ҳозирги кунда жаҳон мамлакатларидаги молия-саноат гуруҳлари фаолият кўлами ва хусусияти бўйича молиявий, ишлаб чиқариш, савдо ва таъминот соҳасидаги хизматларни кўрсатувчи универсал мажмуа ҳисобланиб, ўзига тижорат банклари ва бошқа турдаги молиявий ташкилотларни, саноат корхоналарини, савдо ва таъминот корхоналарини қамраб олади. Мазкур субъектларнинг гуруҳ доирасида биргаликда фаолият юритиши натижасида ишлаб чиқариш салоҳиятининг ортишига қулай шароит

яратилади. Чунки гуруҳ доирасидаги биргаликдаги фаолият натижасида юқори синергетик самарага эришилади.

Жаҳон тажрибаси асосида молия-саноат гуруҳлари фаолиятини шакллантиришнинг қўйидаги йўллари келтириш мумкин:

– гуруҳ иштирокчилари томонидан қонунчиликда белгиланган талаблар асосида акциядорлик жамиятини, шунингдек, холдингни таъсис этиш;

– молия-саноат гуруҳини ташкил этишда унинг иштирокчилари ўзларига тегишли бўлган акциялар пакетини гуруҳ иштирокчиларидан бирига, хусусан тижорат банкларига ихтиёрий равишда ваколатли бошқаришга бериши;

– гуруҳ қатнашчиларидан бири томонидан бошқа корхоналар, жумладан, гуруҳ қатнашчиси бўлаётган ташкилотлар акциялари пакетининг эгалланиши.

Юқоридаги тадқиқотлар асосида молия-саноат гуруҳларини шакллантириш жараёнида қўйидаги муҳим жиҳатларни инобатга олиш лозимлигини қайд этиш зарур деб ҳисоблаймиз:

– Миллий иқтисодиётда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурийлигини ҳамда иқтисодий салоҳиятни оширишдаги ролини аниқлаш асосида уларни шакллантириш бўйича дастлабки ташкилий ишларни амалга ошириш.

– Ишлаб чиқариш корхоналарини гуруҳга жалб этишнинг аниқ мақсадларини белгилаш.

– Молия-саноат гуруҳига жалб этилиши кўзда тутилган субъектларнинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, молиявий ва инновацион салоҳияти борасидаги маълумотларни таҳлил этиш.

– Молия-саноат гуруҳини шакллантиришда гуруҳга жалб этилган иштирокчиларнинг дастлабки таркибини мувофиқлаштириш бўйича ташкилий ишларни амалга ошириш.

– Молия-саноат гуруҳининг фаолиятини кенгайтириш ҳамда рақобатбардошликни оширишга қаратилган янги лойиҳа ва дастурларни таҳлил қилиш ҳамда уларни амалга оширишнинг чора-тадбирларини белгилаш.

– Маҳсулотларни сотиш бўйича режалаштирилган бозорлардаги жорий ҳолатни таҳлил қилиш ва шу асосда маҳсулотлар ишлаб чиқариш режасини шакллантириш.

– Молия-саноат гуруҳини шакллантириш ва унинг иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг асосий лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда фаолият асосий йўналишларини белгилаш.

Жаҳон тажрибаси асосида мамлакатимизда молия-саноат гуруҳлари шакллантириш жараёнида иштирокчилар ўртасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришда айрим талабларга риоя этилиши зарур. Мазкур талаблар сифатида қўйидагиларни келтиришимиз мумкин: молия-саноат гуруҳларида иштирок этувчи тижорат банкларининг мол-мулки улуши гуруҳ устав фондининг 10 фоизидан ортиқ бўлишига йўл қўймаслик, шунингдек, молия-саноат гуруҳи иштирокчилари юридик шахс мақомини сақлаб қолиши лозим.

Агарда молия-саноат гуруҳи иштирокчиларининг таркиби фақат давлат корхоналари, шунингдек, бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлардан ташкил

қилинаётган ҳолатларда гуруҳларни тегишли тартибда ҳукумат қарори асосида ташкил этиш лозим.

### **Хулоса**

Юқоридаги қайд этилган талаблар асосида молия-саноат гуруҳларини шакллантириш орқали истиқболда гуруҳ иштирокчилари ўртасидаги молиявий муносабатларни самарали ташкил этиш ҳамда иштирокчиларнинг манфаатлари уйғунлигини таъминлаш орқали ўзаро фойдали фаолият йўналишларини жорий этишга эришилади.

Фикримизча, молия-саноат гуруҳларини шакллантириш жараёнида қуйидаги шартларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ:

1. Молия-саноат гуруҳларини технологик жиҳатдан бир-бирига алоқадор бўлган ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлиги юқори маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари негизида шакллантириш.

2. Молия ва саноат капиталининг бирлашиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган монополия билан боғлиқ салбий ҳолатларни олдини олиш. Бу жараёнда монополия юзага келишини олдини олиш иқтисодиётда маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича бошқа рақобатчиларнинг мавжудлиги ёки айнан битта тармоқдаги маҳсулотлар бозорида қўшимча равишда молия-саноат гуруҳларини мақсадли шакллантиришни тақозо қилади.

4. Корхоналарни гуруҳ таркибига киришида ихтиёрликни таъминлаш, бунда иштирокчиларнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда биргаликдаги фаолиятнинг иштирокчиларини танлаш ва молия-саноат гуруҳи лойиҳасини ишлаб чиқишда корхоналарнинг шахсий ташаббускорлигини эътиборга олиш лозим.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки ҳозирги шароитда миллий иқтисодиётда тижорат банклари ва саноат корхоналари иштирокида молия-саноат гуруҳларини шакллантириш учун зарурий молиявий-иқтисодий шарт-шароитлар мавжуд. Мазкур ҳолат молия-саноат гуруҳлари фаолиятини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Молия-саноат гуруҳлари фаолиятини шакллантириш орқали иқтисодиётнинг саноат тармоғида фаолият юритувчи корхоналарни барқарор ривожлантиришга ҳамда уларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга қулай замин яратилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

2. Беляева И.Ю., Эскиндаров М.А. Финансово-промышленные группы в современной экономике. - М., 2004. – 216 с.

3. Кудаков А.С. Особенности формирования финансово-промышленных корпоративных структур и их влияние на экономику страны.// Проблемы современной экономики, №3(23), 2007. – С. 11.

4. Минина Т.И. Роль банков в формировании и развитии ФПГ России. автореф. дис...докт. эконом. наук. – Москва: 2000. – 12 с.

5. Зарипов И.А. Инвестиционный механизм финансово-промышленных групп России. Автореферат дисс. на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва. - 2004. – С. 23.

6. Danes Brzica. Typology and Dynamics of Financial-Industrial Groups. *Chinese Business Review*, January 2013, Vol. 12, No.1, pp. 1-13.
7. Цветков В.А. Финансово-промышленные группы: тенденции развития // *Промышленные ведомости*, №14, 2001.
8. Яронтовский В.В. Банки в интегрированных холдинговых структурах: автореф. дис...канд. эконом. наук. – Санкт-Петербург, 2009. – 24 с.
9. Aoki M. *Information, Corporate Governance, and Institutional Diversity: Competitiveness in Japan, the USA, and Transitional Economies*, Oxford: Oxford University Press. 2000. p.76-79.
10. Кохно А.П. Синергический эффект финансово-промышленных групп / А.П.Кохно . – М.: Перспектива, 2001. – 324 с.
11. Сабиров О.Ш. Место коммерческих банков в развитии ФПГ в Узбекистане // *Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане: материалы международной научно-практической конференции.* – Москва, МГЭИ, 2008. – С. 139-142.
12. Атанязов Ж. Х. Способы формирования финансово-промышленных групп и роль в них коммерческих банков // *Проблемы современной экономики.* – 2015. – С. 45-48.
13. Атанязов Жасурбек Хамидович, Ширинова Шохсанам Собир Кизи ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ ФОРМИРОВАНИЯ ФИНАНСОВО-ПРОМЫШЛЕННЫХ ГРУПП В УЗБЕКИСТАНЕ // *Финансы: теория и практика.* 2021. №6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/prakticheskie-aspekty-i-perspektivy-formirovaniya-finansovo-promyshlennyh-grupp-v-uzbekistane> (дата обращения: 03.03.2022).
14. Wei Yao, Lei Lianghai. Equilibrium Model Analysis of the Synergic Value and Risks of Industrial-financial Group. *Commercial Times*, 2009, vol. 41, No. 5, pp. 36-38.
15. Вахабов А.В. Модели развития финансово-промышленных групп в мировой экономике и возможности его использования в Узбекистане // *Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане: материалы международной научно-практической конференции.* – Москва, МГЭИ, 2008. – С. 15.